

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2023 йил февраль ойининг 22 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси Б.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи Ж.Неъматов, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Shayxontohur Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Б.Кучкаров, жабрланувчи Н.Махамедовларнинг иштирокида, Неъматов Жаҳонгир Қувондиқ ўғли (Ne'matov Jahongir Quvondiq o'g'li)га нисбатан 1-1003-2304/70-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Неъматов Жаҳонгир Қувондиқ ўғли (Ne'matov Jahongir Quvondiq o'g'li) – 08.04.1996 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, “Нурафшон махсус техника” МЧЖда бухгалтер, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Узар кўчаси, 61-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 06.01.2023 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, суда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Ж.Неъматов, ўзганинг мол-мулкани қонунга ҳилоф равишда (руҳсатсиз) ахборот тизимида кириб ва ундан фойдаланиб яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, жабрланувчи Махамедов Неъматилла Асатуллаевичга тегишли 8600 **** * 7751 рақамли пластик картасини банкомат орқали ўзи фойдаланиб келаётган +998994853214 рақамли сим картага “Click” мобил иловаси орқали улаб олган ва 2022 йил 27 октябрь куни, соат 20:10ларда пластик карта ҳисобидаги 15.330.000 сўм пулларини яширин равишда бошқа пластик карта орқали ўзига тегишли 8600 **** * 8110 рақамли пластик картасига ўтказиб олиш орқали талон-торож қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Неъматов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни “Нурафшон махсус техника” МЧЖда бухгалтер лавозимида ишлашини, 2020 йил август ойида жабрланувчи



Н.Махамедовга тегишли 8600 **** * 7751 рақамли пластик картасини банкомат орқали ўзи фойдаланиб келаётган +998994853214 рақамли сим картага “Click” мобил иловаси орқали улаб олганлигини ва 2022 йил 27 октябрь куни, соат 20:10ларда пластик карта хисобидаги 15.330.000 сўм пулларини яширин равишда бошқа пластик карта орқали ўзига тегишли 8600 **** * 8110 рақамли пластик картасига ўтказиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини, етказилган зарарни қоплаганлигини ва жабрланувчидан кечирим сўрашини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи Ж.Неъматов айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир қилгандаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи Н.Махамедов дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни “Нурафшон махсус техника” МЧЖда ишлашини, ўзига тегишли 8600 **** * 7751 рақамли пластик картасига ойлик иш ҳақи ўтказилишини, 2022 йил 27 октябрь куни, соат 20:10ларда пластик картаси хисобидаги 15.330.000 сўм пулларини яширин равишда бошқа пластик карта орқали ўтказиб олинганлигини билганлигини ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилганлигини, дастлабки тергов даврида маълум бўлишича жамият бухгалтери Ж.Неъматов банкомат орқали ўзи фойдаланиб келаётган +998994853214 рақамли сим картага “Click” мобил иловаси орқали унинг картасини улаб олганлигини ва унинг пулларини ўзига тегишли 8600 **** * 8110 рақамли пластик картасига ўтказиб олиш орқали талон-торож қилганлигини билганлигини, у узоқ вақт давомида пулларини топишга сарсон бўлганлигини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчи Ж.Неъматовга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга жазо тайинлаш масаласини судга хавола қилишини баён қилиб, судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Бундан ташқари, судланувчи Ж.Неъматовнинг айби, дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни жабрланувчининг қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси (и.в. 4), тушунтириш хатлари (и.в. 5, 11), ашёвий далилни олиш баённомаси (и.в. 12), жабрланувчи Н.Махамедовнинг унга етказилган моддий зарар қопланганлиги ҳақидаги тилхати (и.в. 15), банкдан олинган маълумот (и.в. 32), нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомаси (и.в. 37-45), нарсани кўздан кечириш тўғрисида баённома (и.в. 58¹-58⁵), шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида “*Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг*



жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “**Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги 6-сонли қарори 1-бандида “жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилган деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғирлик деб тавсифлаш лозим” деб тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи Ж.Неъматовнинг қилмиши Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 19 октябрдаги ЎРҚ-794-сонли Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди янги таҳририда қабул қилинганидан сўнг, 2022 йил 27 октябрь куни содир этилганлигини, Қонуннинг 5-моддасига асосан ушбу Қонун расмий эълон қилинган 19.10.2022 йилда эътиборан кучга кириши белгиланганлигини инobatга олиб, унинг юқоридаги қилмиши дастлабки тергов органлари томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди, яъни “ўғрилик қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб содир этилишида” ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд судланувчи Ж.Неъматовга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласининг боқувчиси эканлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини ва унинг енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, ёшлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “**Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**”ги 1-сонли қарорининг 3-бандига кўра “*Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак*” деб белгиланган.

Шунингдек, ушбу Пленум қарорининг 37-бандида “*ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси*



Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиши вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиши пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиши сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Шу билан биргаликда, судланувчи Ж.Неъматовга жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласининг боқувчиси эканлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини ва унинг енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, ёшлигини, муқаддам судланмаганлигини, шунингдек, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва ролини, унга нисбатан ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозимлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Н.Махамедовнинг судланувчи Ж.Неъматовга нисбатан даъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини инобатга олишни лозим топади.

Шу билан бирга, ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил тариқасида олинган 2 дона пластик карталардан Ж.Неъматовга тегишли пластик картани



жиноят иши хужжатларида сақлаш учун қолдиришни, шунингдек ашёвий далил сифатида олинган мебель жиҳозлари тилхат орқали Ж.Неъматовга топширилганлигини инобатга олишни ва унинг ихтиёрида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

х у к м қ и л а д и :

Неъматов Жаҳонгир Қувондиқ ўғли (Ne'matov Jahongir Quvondiq o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилсин.

Неъматов Жаҳонгир Қувондиқ ўғли (Ne'matov Jahongir Quvondiq o'g'li)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларида ўтаттирилиши белгилансин.

Жазони ўташ муддати 22.02.2023 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Неъматовга нисбатан қўлланган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залида қамоққа олиниб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭД 1-минтақавий ҳудуд 1-сон ТХга жойлаштирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач гаров тариқасида топширилган 6.000.000 сўм пуллар Ж.Неъматовнинг турмуш ўртоғи Машрапова Мафтуна Баходир қизига тегишли тартибда қайтарилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 2 дона пластик карталари жиноят ишида сақлансин ва мебель жиҳозлари тилхат орқали Ж.Неъматовга топширилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Н.Махамедовнинг судланувчи Ж.Неъматовга нисбатан даъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимоси инобатга олинсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига берилиши мумкин.

Раисликқилувчи судья:

Нусха аслига тўғри судья:

